


## Фикҳ дарслари (39-дарс). Янги усулул фикҳ китоблари



15:25 / 01.07.2019 6549

### 1. «Усулул фикҳ».

Бу китобнинг муаллифи шайх Абдулваҳҳоб Халлоф мисрлик таниқли олимлардан бўлиб, айнан усулул фикҳ мутахассиси сифатида Олий ўқув юртларида дарслар берган. Бир неча йиллар давомида шаръий маҳкамада қози бўлиб ҳам ишлаган. Кейинроқ шаръий маҳкаманинг тафтиш аъзоси этиб тайинланган. 1934 йилдан 1948 йилгача Ислом шариати курсида устоз бўлиб хизматини давом эттирган.

Араб тили академияси аъзоси сифатида Қуръони Карим луғатларини ишлаб чиқишда мутасаддилардан бири бўлган.

Ҳофизи Қуръон бўлган бу олим исломий илмларнинг кўпгина соҳаларида салмоқли асарлар таълиф қилган. «Аҳком аҳвол аш-шахсийя», «Вақф ва мерос қонунларига тўлиқ шарҳ», «Шаръий сиёсатдаги ягоналик», «Нурун минал Ислам» (Қуръони Каримдан тафсирлар), «Қуръон қиссаларидан», «Исломдаги уч салтанат» китоблари шулар жумласидандир.

Мазкур «Усулул фикҳ» китоби муайян мазҳабга ён босмай, холис ёзилганлиги ҳамда тилининг соддалиги, кўпчилик томонидан ўзлаштирилишига қулайлиги туфайли кўпгина араб давлатларида дарслик сифатида қабул қилинган.

Китоб тўрт қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда шаръий ҳукмлар олинадиган манбалар ҳақида, иккинчи қисмда шаръий ҳукмлар тўғрисида батафсил маълумот берилган. Учинчи қисм усулул фикҳнинг луғавий қоидаларига, тўртинчи қисм шаръий ҳукмлар чиқариш қоидаларига бағишланган.

«Ҳукм чиқаришдан мақсад», «Ҳукмларда Аллоҳнинг ва мукаллафнинг ҳаққи», «Нималарда ижтиҳод қилиш мумкин?», «Ҳукмнинг насх бўлиши», «Ҳукмлардаги қарама-қаршилик ва уни ечиш» каби қоидалар алоҳида боблар сифатида кенг ёритилган.

## 2. «Усулул фикҳил Исламий».

Бу китобнинг муаллифи Бенғозий дорилфунуни ҳуқуқ куллиясидаги шарият устози Закиюддин Шаъбондир. Муаллиф китобнинг муқаддимасида Усулул фикҳ илмининг аҳамияти, уламоларнинг унга берган аҳамиятлари, ёзган китоблари ҳақида сўз юрита туриб, бу борадаги китобларнинг кўпчилиги мутахассислар учун эканлиги, тили ва услуби қийинлиги, олимларнинг тортишувларига кўп эътибор берганлиги сабабли оддий одамлардан кўра бошланғич босқичдаги толиби илмлар ҳам уларни тушуниб етишлари қийинлигини айтиб ўтади.

Кейин эса ўзи шарият куллияларида устозлик қила бошлаганда орзу қилиб юрган китобни ёзишни йўлга қўйиш учун ҳаракат қилганини таъкидлайди. Закиюддин Шаъбон мазкур китобнинг иложи борича ўқувчига осон бўлишига уринган. Китобнинг бош мавзулари, жумладан, қуйидагилардан иборат:

- Усулул фикҳ илмининг таърифи, тарихи;
- Шаръий ҳукмларнинг далиллари;

- Иттифоқ қилинган далиллар;
- Ихтилоф қилинган далиллар;
- Китоб;
- Суннат;
- Ижмоъ;
- Қиёс;
- Масолиҳул мурсала;
- Истеҳсон;
- Урф;
- Шаръу ман қоблана;
- Қавлус саҳобий;
- Истисҳоб;
- Шаръий далиллардан олинадиган ҳукмлар;
- Ҳукм;
- Ҳукми чиққан тараф;
- Ҳукм зиммасига тушган тараф;
- Шаръий далиллардан ҳукмлар чиқариш йўллари;
- Ижтиҳод ва тақлид.

Закиюддин Шаъбоннинг «Усулул фиқҳил Исламий» китобининг тўртинчи наشري «Қорюнус» дорилфунуни томонидан 1979 йилда амалга оширилган.

### 3. «Усулул фиқҳил Исламий».

Бу китобнинг муаллифи замонамизнинг машҳур фақиҳларидан бири доктор Ваҳба Мустафо Зуҳайлийдир. У киши «Усулул фиқҳил Исламий» китобини Дамашқ дорилфунунида фиқҳ ва усулул фиқҳдан устоз бўлиб турганида ёзган. Китоб икки жудан иборат. Муаллиф бошқа китобларидаги одати бўйича мавзу ҳақида батафсил сўз юритган.

Мисоллар келтиришда тўрт мўътабар мазҳабдан мисол олишга ҳаракат қилган. Доктор Ваҳба Мустафо Зуҳайлий бу китобини ёзишда эски ва янги манбалардан унумли фойдаланган. Китобнинг биринчи нашри ҳижрий 1406 – милодий 1986 йилда «Дорул Фикр» нашриёти томонидан амалга оширилган.

#### 4. «Ал-муяссар фил усулил фиқҳил Исламий».

Бу китобнинг муаллифи Дубайдаги исломий ва арабий илмий изланишлар факультети декани Иброҳим Муҳаммад Салқинийдир.

«Ал-муяссар фил усулил фиқҳил Исламий» икки қисмдан иборат.

Биринчи қисм уч бобдан иборат:

Биринчи боб: Усулул фиқҳга оид еттита муқаддима.

Иккинчи боб: Исломий шариатнинг манбалари.

Учинчи боб: Манбалардан олинадиган ҳукмлар ва шаръий далиллар.

Иккинчи қисм беш бобдан иборат:

Тўртинчи боб: Лафзларнинг далолатлари ва матнлардан ҳукмларни чиқариб олиш кайфияти.

Бешинчи боб: Насх ва унинг ҳукмлари.

Олтинчи боб: Ижтиҳод ва тақлид.

Еттинчи боб: Қарама-қаршилик ва бир тарафни устун қилиш.

Саккизинчи боб: Шариатнинг умумий мақсадлари.

Китоб осон ва равон тилда ёзилган. Ҳар бир мавзу бўйича етарлича мисоллар келтирилган.

«Ал-муяссар фил усулил фиқҳил Исламий» «Дорул фикр» томонидан 1996 йилда Байрутда нашр этилган.

#### 5. «Тайсирул усулил фиқҳи».

Бу китобнинг муаллифи Абдуллоҳ ибн Юсуф Жудайъдир. «Тайсирул усулил фиқҳи» тақлидий усулул фиқҳ китобларига ўхшамайди. Унда усулул фиқҳнинг уч мавзуси ҳақида сўз юритилган.

Муаллиф муқаддимада усулул фикҳ илми ҳақидаги тушунча ва таърифни ҳамда усулий ва фикҳий қоидалар орасидаги фарқларни баён қилган.

Кейин ҳукмлар ва уларнинг далиллари ҳақида маълумот берган.

Сўнг шаръий ҳукмларни чиқариш қоидалари тўғрисида сўз юритган.

Китобнинг охирида ижтиҳод ва тақлид ҳақида батафсил баҳс кетган.

«Тайсирул усулил фикҳи» «Муассасатур-Райян» томонидан 1997 йилда Байрутда нашр этилган.

## 6. «Усулул фикҳ».

Бу китобнинг муаллифи мисрлик машҳур олимлардан Муҳаммад Хазарийбекдир. У кишининг айтишича, 1905 йили Судандаги Ғардун куллиясида ушбу фандан дарс берганда тайёрлаган маърузаларини жамлаб, китоб қилган. Мавзуларни кўпайтирмасдан, китоб тилининг содда ва раво бўлишига эътибор берган. Муҳаммад Хазарийбек имом Баздавийнинг «Усул»и, Ибн Ҳожибнинг шарҳлари, «Танқийҳул усул» ва «Шарҳул Аснавий ала Минҳож» каби китобларга суюнган.

Муҳаммад Хазарийбек Суданга зиёрат учун келган Шайх Муҳаммад Абдуҳуга ўз китобини кўрсатган. У киши китобни мақтаб, муаллифга маслаҳатлар берган, хусусан, имом Шотибийнинг «Мувофақот» китобидан фойдаланишни таклиф қилган. Муҳаммад Хазарийбек мазкур китобни яхшилаб ўрганган ва китобини қайта ёзишда ундан унумли фойдаланган.

Мисрга қайтиб келганидан кейин Муҳаммад Хазарийбек шаръий қозилик мадрасасида дарс берган. Бу ерда усулул фикҳни кенг ва чуқур тарзда ўқитиши керак бўлган. Китобга яна қўшимчалар киритилган. Натижада китоб мукаммаллашган.

Китобнинг бош сарлавҳалари қуйидагилардан иборат:

- Усулул фикҳнинг тарихий муқаддимаси;
- Аҳкомлар ҳақида;
- Лафзлардан аҳкомларни чиқариб олиш кайфияти;
- Тафсилий аҳкомларнинг далиллари;
- Ижтиҳод ва тақлид.

**“Фифҳий йўналишлар ва китоблар” китобидан**